

## КОНФУЦИЙНИНГ “СУҲБАТ ВА МУЛОҲАЗАЛАР” АСАРИДА ДАО АТАМАСИННИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-244-248>

**Наргиза Исламтullaева**

Тошкент давлат шарқшунослик университети  
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
[ismatullayeva.nargiza@gmail.com](mailto:ismatullayeva.nargiza@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола Конфуций таълимотида муҳим этик категориялардан бири бўлмии дао тушунчасининг “Суҳбат ва мулоҳазалар” асаридаги фалсафий талқини таҳлилига бағишиланган. Дао тушунчасининг асарда турли ўринларда бир неча хил маъноларда қўлланилиши, шунингдек, Конфуций таълимотининг асос ғоявий моҳиятини берувчи етакчи фалсафий маъно ажратиб олинган.

**Калим сўзлар:** Конфуций, “Суҳбат ва мулоҳазалар”, фалсафий таълимот, дао, дэ, ий.

### ABSTRACT

This article is devoted to the analysis of the philosophical interpretation of the concept of *dao*, one of the most important ethical categories in the teachings of Confucius, in the book "Analects". The application of the concept of *dao* in several different senses in different places, as well as the leading philosophical meaning that gives the basic ideological essence of Confucian teachings, are highlighted.

**Keywords:** Confucius, "Analects", philosophical teachings, *dao*, *de*, *yi*.

### КИРИШ

Дао фалсафий категорияси азалдан қадимги Хитойда турли фалсафий таълимот ва мактабларнинг таянч категорияси сифатида намоён бўлган. Даосизм таълимотига кўра дао тушунчасига ҳақиқий мавжуд йўл, яъни ҳар ерда ҳозир ибтидо, дунёнинг ҳаракати ва ўзгаришининг умумий қонунияти, барча ҳодисаларнинг ундан чиқувчи ва унга қайтувчи олий манба сифатида қаралган. Таълимотнинг машҳур ғояларидан бири бу:

“道生一，一生二...” “Дао якка (хаос)ни дунёга келтирди, якка эса иккиси (осмон ва ер)ни дунёга келтирди...” [1, 96]

Даосизм *дао* ғояси, унинг тамойилларига асосланиб, ушбу ғоянинг фалсафий талқини “Даодэжинг” асарида ўз аксини топган.

Буддийлик таълимотига кўра эса *дао* сўзи қўйидаги лугавий маъноларга эга:

а) Бодхи Йўли (*санскритча “bodhi”*) – қайта туғилишдан озод бўлиш учун риёзат чекишилик (зоҳидлик).

б) Нирвана (*санскритча “nirvana”* сўзма-сўз “босилмоқ”, “сўнмоқ”) – буддизм диний амалиётидаги идеал хотима, англашнинг олий даражаси. Таълимотга кўра бу дунё ташвишларидан кечиб ўзини роҳат-фароғатда сезишdir.

в) Буддийлик таълимоти.

Конфуцийчилик таълимотига кўра *дао* атамаси Олий (муҳаққақ) йўл маъносини англатиб, ҳақиқатда рост ва унинг инсондаги акси (комил инсоннинг идеал табиатига жавоб берувчи) юқори принципиаллик, юқори ахлоқий меъёрларни ўзида намоён этади.

Конфуций ўз таълимотида эътиборини *дао* (道) ва *дэ* (德) фалсафий тушунчаларининг инсоний қирраларига қаратади. Ушбу икки категория ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-биридан мустақил тарзда ҳам намоён бўлади. У *даони* турли ахлоқийлаштирилган тушунчалар мажмуи билан аниқлаштиради: *сяоти* (孝悌) – фарзандлик эҳтироми ва ака-укалик муҳаббати, *жонгиш* (忠恕) – садоқат ва бағрикенглик, рэн (仁) – инсонпарварлик, *жы* (知) – билим, *ёнг* (勇) – жасорат ва ҳоказолар.

Бевосита *дао* атамасининг Конфуцийнинг “Суҳбат ва мулоҳазалар” асаридаги фалсафий талқинига келсак, асарда ушбу сўз 87 маротаба учрайди. Асарда *дао* атамасининг қўйидаги маъноларда қўлланилиши кузатилди.

## 1. йўл, услуб, усул, восита

有子曰：“礼之用，和为贵。先王之道斯为美。小大由之，有所不行。知和而和，不以礼节之，亦不可行也。”

Йоузи деди: “Маросим тартиблари уларнинг уйғунликка келтириш хусусияти билан қимматлидир. Қадимги хукмдорлар қўллаган мамлакатни бошқариш услубининг ажойиб қирраси ҳам айнан шу тамойилга асосланган”. [2, 20]

“吾未知吴道。” *Wu wei zi Wu dao* (《左传·定公五年》) [3, 3008] Мен У подшолигининг услубини билмаган эдим.

## 2. фикр, ғоя, тафаккур; таълимот, назария; дин ақидалари

子曰：“道之将行也与，命也”

Устоз деди: “Менинг таълимотим ҳаётга тадбиқ этилаётган бўлса, бу тақдирнинг иродасидир”. [2, 140]

曾子曰：“夫子之道，忠恕而已矣。”

Зэнгзи жавоб берди: “Устознинг асос ғояси – хукмдорга садоқат ва халқقا ғамхўрлик”. [2, 43]

### 3. ўз ортидан бошламоқ; бошқармоқ, идора қилмоқ

子曰：“道千乘之国，敬事而信，节用而爱人，使民以时。”

Устоз деди: “Минг нафар жанговар араваларга эга князлик<sup>1</sup> ни бошқаришда князлик ишларига жиддий эътибор қаратиб бажармоқ”. [2, 17]

### 4. қонуният, қоида, тартиб

子曰：“父在，观其志。父没，观其行。三年无改于父之道，可谓孝矣。”

Устоз деди: “Ота ҳаётлик чоғида унинг хоҳиш-иродасига қаралса, у вафот этгач унинг амалларига риоя қилинса, ота ўрнатган тартиблар узок давр ўзгартирилмаса, буни фарзандлик эҳтироми дея баҳолаш мумкин”. [2, 18]

子曰：“射不主皮，为力不同科，古之道也。”

Устоз деди: “Камон отиш мусобақасининг моҳияти ўқнинг албатта нишонга тегишида эмас. Чунки кишиларнинг кучлари тенг эмас. Бу қадимдан амал қилиниб келаётган қонуният”. [2, 35]

### 5. ҳақ йўл, муҳаққақ йўл

子曰：“天下无道也久矣。”

Устоз деди: “Дунёда ҳақ йўлнинг йўқолганига кўп бўлган”. [2, 38]

子曰：“朝闻道，夕死可矣。”

Устоз деди: “Тонгда ҳақ йўлни англаб етсак, тунга яқин ҳеч афсус қилмасдан бу дунёдан кўз юмиш мумкин”. [2, 41]

子曰：“志于道，据于德，依于仁，游于艺。”

Устоз деди: “Ҳақ йўлга интил, юксак ахлоқийликка суюн, инсонпарварликка амал қил, олти санъатда ҳаракатда бўл”. [2, 65]

“Суҳбат ва мулоҳазалар” асарида *дао* атамасининг айнан мана шу “ҳақ йўл” маъносида ифодаланиши кенг кузатилди. Асарда *дао* бу ҳам тақдирнинг, ҳам алоҳида шахснинг измида бўлувчи ижтимоий ҳодисалар ва инсоний ҳаётнинг эзгу муҳаққақ йўлидир. Унинг ташувчиси сифатида якка индивид ҳам, мамлакат ҳам, бутун инсоният (Дунё) ҳам юзага чиқади. Ташувчиларнинг

<sup>1</sup> Кирол Жоу У (м.а. 1027-1024 й.й.) ўзининг оқсуяқ қариндошлари ва амалдорларига ер-мулк улашган. Уларнинг ҳар бирининг мингтадан жанговар араваси бўлиши керак бўлганки, бу ўлканинг куч-кудратини белгилаган.

турлилиги сабабли уларнинг “дао”си ҳам турлича бўлади: тўғри ва эгри, катта ва кичик, комил инсонга хос ва хақир одамга хос йўллар [4, 91].

Айтиб ўтилган фикрларга “Суҳбат ва мулоҳазалар” асаридан қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан:

子曰：“人能弘道，非道弘人。”

Устоз деди: “Инсон ўзи юраётган йўлни буюк қила олади, йўл инсонни эмас.” [2, 150]

子夏曰：“虽小道，必有可观者焉。致远恐泥，是以君子不为也。”

Зися деди: “Ҳатто кичик йўл ҳам ўзининг афзалликларига эга. Лекин узоқ мақсадни кўзлаб турганда бу йўлда ушланиб қолишдан қўрқаман. Шунинг учун олижаноб инсон ўз ҳаракатларини кичик йўлда зое кетказмайди”. [2, 178]

“Суҳбат ва мулоҳазалар” асарида *дао* тушунчасининг моҳиятини акс эттирувчи бошқа категориялар ҳам учрайди. *Дао* (道) ва *дэ* (德) иероглифларидан ҳосил бўлувчи *даодэ* (道德) атамаси “ахлоқлилик”, “одоб ахлоқ”, “этика”, “яхши фазилат” каби маъноларни бериб, бу сўздан ҳам янги сўзлар ҳосил қилиш мумкин. Мисол учун, *даодэсюэ* (道德学) – этика, *даодэжя* (道德家) – ахлоқшунос кабилар шулар жумласидандир. *Даодэ* тушунчаси турли фалсафий мактабларда турлича талқин этилиб, конфуцийчиликда “қадимгилар томонидан билдирилган ҳақиқат ва унинг конфуцийчилигидаги акси” маъносини берса, даосизмда эса “*дао*, яъни олий қонун ва *дэ*, яъни даонинг дунё ва инсондаги акси” маъносини билдиради.

“Суҳбат ва мулоҳазалар” асарида *даодэ* сўзининг маъноси якка дэ иероглифи билан ифодаланади:

子曰：“有德者必有言，有言者不必有德。”

Устоз деди: “Боадаб инсон мулоҳазали бўлиши муқаррар, мулоҳазали киши эса боадаб бўлмаслиги мумкин”. [2, 129]

*Дао* сўзи билан ясалмиш яна бир атама *даои* (道义) сўзи бўлиб, у “ахлоқлилик ва ҳаққонийлик” маъносини беради. Бунга мисол тариқасида “按道义来说” *an daoyi lai shuo* – “ахлоқлилик ва ҳаққонийлик нуқтаи назаридан”, “给予道义上的支持” *jihu daoyi shang de zhichi* – “маънавий ёрдам кўрсатмоқ” [5, 179] кабиларни келтириш мумкин. “Суҳбат ва мулоҳазалар”да мазкур сўзниңг маъноси якка “义” уї иероглифи билан ифодаланади. Масалан:

子曰：“君子义以为质，礼以行之，孙以出之，信以成之。君子哉！”

Устоз деди: “Олижаноб инсон ахлоқлилик ва ҳаққонийликни инсон бўлишнинг асоси деб билади. Уни маросим тартиблари ёрдамида амалга

оширади. Уни камтаринлик ва ҳурмат билан тилга олади. Уни ишончлилик билан тугаллайди. Олижаноб инсон айнан шундайдир!” [2, 148]

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Конфуцийнинг “Сұхбат ва мулоҳазалар” асарида *дао* тушунчаси асосан беш хил маънода талқин қилиниши аниқланди. Улардан “ҳақ йўл” маъноси “тартиб”, “қонуният”, “бошқармоқ”, “таълимот” маъноларига нисбатан қўпроқ намоён бўлганлиги кузатилди. Шунингдек, *дао* фалсафий категориясининг моҳиятини берувчи *да* ва *йи* сўзлари ҳам ахлоқий категория сифатида *даонинг* ўрнида қўлланилиши очиқланди.

## REFERENCES

1. Ошанин И.М. Большой китайско-русский словарь. – М.: Наука, 1983. – Т 4. (Oshanin I.M. Big Chinese-Russian Dictionary. – M.: Nauka, 1983. – T 4.)
2. Конфуций. Сұхбат ва мулоҳазалар. / Махмутходжаев М., Исматуллаева Н. таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. (Confucius. Analects. / translated by Makhmutkhodjaev M., Ismatullateva N. – Tashkent: Yangi asr avlodi, 2014.)
3. *辞海—上海辞书出版社* 1999年(Ci Hai. – Shanghai: Shanghai Dictionary Publishing House, 1999.)
4. Китайская философия. – М.: Мысль, 1994. (Chinese philosophy. – M.: Thought, 1994.)
5. *汉语—北京商出版社* 1977年(Chinese-Russian Dictionary. – Beijing: Commercial Press, 1977.)
6. Исматуллаева, Н. Р. (2021). Конфуций ҳикматларида “комил инсон” тушунчаси талқини. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 1), 513-519. (Ismatullayeva, N. R. (2021). Interpretation of the concept of "perfect man" in Confucian wisdom. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1 (Special Issue 1), 513-519.)
7. Ismatullayeva, N. R. (2022). Content of the Philosophical Term “Golden Mean” “中庸” in Confucius Doctrine. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 9(3), 224-229.
8. Умаржонов, С. С. (2022). Онтологияда субстансия ва аксиденсияга доир таълимотнинг Фахриддин Розий томонидан ривожлантирилиши. *Academic Research in Educational Sciences*, 3(3), 961–968. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-3-961-968>